Majburiy bepul nusxa

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
29 декабрь
ЧОРШАНБА

№ 104
(12.324)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

Пискент Паркент Ангрен Янгийўл Бўстонлик Бекобод Зангиота Чирчиқ Чиноз Оққўрғон Тошкент

## ЧИНОЗ ТУМАНИ

### ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЙДИ

2010 йилда туманда 4242 та иш ўрни яратилиб, шундан 1476 таси кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди. Якка тадбиркорлик билан 532, касаначилик билан 342 киши шуғулланмоқда. 2011 йилда яна 3949 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

## ҚУЙИЧИРЧИҚ ТУМАНИ

### СОВҒАЛАР ТОПШИРИЛДИ

**Тумандаги 51 та умумтаълим мактабида таҳсил олаётган 1715 нафар 1-синф ўқувчиларига туман ҳокими ташаббуси билан корхона ва ташкилотлар, фермерлар ҳомийлигида Янги йил совғалари туҳфа этилди.**

Шунингдек, 17 та бошланғич таълим муассасасида тарбияланаётган 1500 болажонга байрам совғалари топширилди. Тумандаги 100 та кам таъминланган оила фарзандлари ҳам эътибордан четда қолмади.

## ПАРКЕНТ ТУМАНИ

### БОЛАЛАРИМИЗ ДОИМ ЭЪЗОЗДА

Вилоят "Маҳалла" хайрия жамғармаси тумандаги имконияти чекланган болаларга ёрдам кўрсатди. "Кўличи" маҳалласида яшовчи ногирон, уйида таълим олаётган болаларга сўнгги русумдаги компьютер тақдим этилди.

**Ирода НОРБОЕВА.**

### ҚИШЛОҚДА ЗАМОНАВИЙ КОЛЛЕЖ

**Заркент қишлоғида қад ростлаган янги касб-ҳунар коллежи ўқувчи-ёшларга қувонч ва шодлик олиб келди.**

Энди мактабни битираётган ёшларни ҳам, уларнинг ота-оналарини ҳам қайси лицей ёки коллежга кириш муаммоси сира қийнамайди.

2011 йилда «Истиқбол» маҳалласида 250 ўринга мўлжалланган замонавий мусиқа ва санъат мактаби қуриш ҳам давлат дастурига киритилди.

**Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.**

## ҚИБРАЙ ТУМАНИ

### "ЁШЛАР ОИТСГА ҚАРШИ"

**Энергетика касб-ҳунар коллежида "Ёшлар ОИТСга қарши" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Унда Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали шифокорлари, ОИТСга қарши кураш маркази врач-эпидемиологлари, ўқитувчи ва талабалар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар касалликнинг келиб чиқиши, унинг аянчли оқибатлари ҳақида батафсил тўхталдилар.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ



# «ДИНАЙ» БЕЛГИЛИ ИЧИМЛИКЛАР

**Ёзда ҳам, қишда ҳам турли ичимликлар дастурхонимизни безаб туради. Айниқса, Янги йил дастурхонини уларсиз тасаввур этиб бўлмайди.**

Юқоричирчиқ тумани Бордонкўл қишлоғида ўтган йилнинг июль ойида иш бошлаган "Ricomel Beverages" масъулияти чекланган жамияти ичимликлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонада "Динай" савдо белгиси билан юқори сифатли, консервантларсиз чой ва табиий шарбатлар янги технологик услуб, яъни иссиқ ҳолатда қуйиш асосида ишлаб чиқарилиб, халқимиз дастурхонига етказиб беріляпти. Бу ерда 5 миллиард 807,2 миллион сўмлик бизнес лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бунинг учун "Асака банк"нинг Тошкент шаҳар бўлимидан 3 миллиард 087,2 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Лойиҳага кўра, Италиянинг "Berchi Group S. p. A" ва Германиянинг "Reimelt Henschel GmbH" савдо белгили замонавий ускуналари олиб келиб, ўрнатилган. Юқори технологик автоматлаштирилган ускуналар соатига 8 минг дона 0,5 литрли ва 6,4 минг дона 1 литрли идишларга ичимлик қуйиш қувватига эга.

Ҳозир 38 нафар қишлоқ аҳолиси иш билан таъминланган. Уларнинг 80 фоизи ёшлар. 2011 йилда яна 20 га яқин янги иш жойлари очиш режалаштирилмоқда.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

**СУРАТЛАРДА:** янги корхонада иш қизғин.

**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**







# УМИДЛАРИМ КАТТА

**Халқимизга ҳаёт завқини тотиш, фарзандлар камоли ва бахтидан шодланиш бахтини, ҳузур-ҳаловат, масрурликни бахш этган Баркамол авлод йили поёнига етай деб қолди. Бу йил мен учун ҳам оила, жамоат, жамият ишларида фаол бўлишимда ўзига хос жўшқинлик йили бўлди.**

Шу кунгача эришган ютуқларим, албатта, фақат ўзимники эмас. Тинч, хотиржам ишлашимиз учун аввало, юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлиши керак. Шукрки, бу неъматдан бенасиб эмасмиз. Ҳамиша она Ватан, мустақил Ўзбекистон ардоғини ҳис этиб яшаяпман. Қолаверса, оилам, фарзандларим менинг қўл-қанотларим. Улар туфайли тадбиркорлик фаолиятини кенг йўлга қўя олдим. Фарзандларимнинг бўш вақтларини тўғри режалаштириш мақсадида оилавий ҳунармандчилик ишларини йўлга қўйдик. Табиий тол новдаларидан турли саватлар, гуллар, паннолар тўқишни пухта ўзлаштирдик. Кейинчалик тўқима мебеллар, стол, стул, каравот, диван, оромкурси, болалар учун манежлар, ётоқхона мебеллари каби 100 дан ортиқ турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқара бошладик.

Тинимсиз меҳнат, изланишлар зое кетмади. "Ташаббус – 2004" танловида фахрли 1-ўринни эгалладик. Республика хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган "Халқаро тадбиркор аёллар форуми"да иштирок этиш учун Деҳли шаҳрига бориш насиб этди. Мустақиллик йилларида тадбиркор аёлларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар туфайли яна қатор давлатлар – Миср Араб Республикаси, Ҳиндистон, Россия, Чехияда бўлиб, тажриба алмашиб келдим. "Энг яхши тадбиркор аёл", "Энг яхши дебют" ва ниҳоят 2009 йилда "Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли" деган эътирофларга сазовор бўлганлигим ўз фаолиятимни янада кенгайтиришимга туртки бўлди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда мебеллар экспорти ассоциациясини тузиш бўйича лойиҳалар устида ишламоқдаман.

Ўз фаолиятим билан бандлик масаласи ҳал этилишига ҳисса қўшиб келаётганлигимдан мамнунман. Умр йўлдошим, ўғил-қизларим, келин-куёвларим ва бошқа тадбирли, ишнинг кўзини биладиган ҳамкорларим билан ҳали кўп ишларни амалга ошириш ниятидаман. Янги йил остонасидаги орзу-ўйларим, режаларимнинг чеки йўқ. Зеро, қутлуғ 2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида мақсадларим амалга ошишига ишонаман.

Шу ўринда Юртбошимизнинг тадбиркорлар ҳақида айтган сўзларини келтирмоқчиман: "Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгаллайди". Энг қувонарлиси, "бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз", деганларида ҳаяжонланганимдан кўзларимга ёш келди. Ҳа, келаётган йилдан умидларим катта ва бунга етишишимга заррача шубҳа қилмайман. Чунки, бизни қўллайдиган Ватанимиз, Юртбошимиз бор!

**Зарифа БАҲОДИРОВА,
Оҳангарон шаҳар "Тадбиркор аёл" уюшмаси раиси, "Покизахон" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари.**

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ – ЖАМИЯТ ИСТИҚБОЛИ

**Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 27 августдаги Халқаро тараққиёт уюшмаси (ХТУ) иштирокидаги "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. 2-чи босқич" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилоятида кўламли амалий ишлар олиб борилмоқда.**

Бу босқичдан кўзланган мақсад қайта шаклланган фермер хўжаликлари ва агросаноат корхоналари фаолиятининг барқарорлиги ва самарадорлигини оширишдан иборат.

Лойиҳанинг қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштириш компоненти ҳисобидан вилоятимиз қишлоқ хўжалиги корхоналарига лойиҳада қатнашувчи "Агробанк", "Микрокредитбанк", "Қишлоққурилишбанк" ва "Туронбанк"нинг вилоят филиаллари томонидан 3 миллион 118,3 минг АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари жалб қилиниб, 13 та "Case New Holland" русумли дон комбайни ва 3 та МТЗ русумли трактори, 9 та TS 6070 русумли ҳайдов трактори сотиб олинди. Бундан ташқари, чорвачиликни ривожлантириш учун 239,9 минг, паррандачиликни ривожлантириш учун 762,4 минг АҚШ долларига тенг маблағлар ўзлаштирилди ва вилоят қишлоқ хўжалигига йўналтирилди.

Биз лойиҳани амалга ошириш гуруҳи раҳбари Пўлат Қоплонов билан лойиҳанинг асосий йўналишлари ҳақида суҳбатлашдик.

– Лойиҳа маблағларининг 10,4 миллион доллари вилоят қишлоқ хўжалигига йўналтирилди, – деди у. – Лойиҳани амалга ошириш муддати 2009-2015 йилларни ўз ичига олган бўлиб, асосан уч йўналишдан иборат.

(Давоми 2-бетда).

**2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Либерал демократик партияси вилоят кенгаши ҳамда фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида кенгашнинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.**

# ПАРТИЯНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШИ

Унда кенгаш аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, фермер ҳамда ёш тадбиркорлар иштирок этишди.

Йиғилишда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, сўз эркинлиги, сайлов ҳуқуқи, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, бозор иқтисодиётини янада чуқурлаштириш ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.**

ЯНГИ ЙИЛ ОСТОНАСИДА

# БАЙРАМ БАЙРАМГА УЛАНСИН...



**Янги йил байрамининг ўзгача хусусияти бор. Киши ўтган давр юкларидан бироз халос бўлгандек, нурли келажак остонасида тургандек ҳис этади ўзини.**

Айниқса, болажонларнинг покиза дилида бу байрам алоҳида гўзал қиёфада ўз инъикосини топади. Ҳатто, улғайганда ҳам кўпчилик Янги йил байрамларини ўзгача бир энтикиш билан ёдга олиши бежиз эмас...

Бўстонлиқ тумани Товоқсой қишлоғидаги 12-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган байрам тадбирида иштирок этган ёшу кексанинг кўнглидан шу ўйлар ўтган бўлса, ажаб эмас. Ўқувчиларнинг байрамга алоҳида тайёргарлик кўришгани сезилиб турди. Тўртинчи синф қизларидан иборат "Бинафша" рақс тўгараги ҳамда бадиий гимнастикачи қизларнинг кўргазмали чиқишлари меҳмонларни хушнуд этди.

Шу аснода болажонларни табриклаш учун кириб келган Қорбобо ва Қорқиз даврага алоҳида файз бағишлади. Турли эртак қаҳрамонларининг Янги йил саргузаштларини мириқиб томоша қилган ўқувчилар, ниҳоят, энг ҳаяжонли дақиқаларга гувоҳ бўлишди. Савдо-саноат палатаси вилоят бўлими ҳамда вилоят хотин-қизлар қўмитаси ўзлари олиб келган совғаларни тарқата бошладилар. Қўмита раиси, вилоят ҳокими ўринбосари Сайёра Файзиева болаларни байрам билан қутлар экан, ўқишларида муваффақият, Янги йилда бахт ва саодат тилади.



**Абдулла ФАЙЗИЕВ.**

**СУРАТЛАРДА:** байрам совғасининг гашти ўзгача.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

2011 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ газетасининг индекси – 205.

## ОЙЛИК МУНОСАБАТИ БИЛАН

**Зангиота туманидаги 56-умумтаълим мактабида "Заковат" тўгараги ташкил этилган. Унга тарих фани ўқитувчиси Гулнора Низохунова раҳбарлик қилади.**

"Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги" муносабати билан тўгарак аъзолари иштирокида заковат ўйини ташкил этилди. Билимдонлар йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари бўйича ўз билимларини синовдан ўтказишди. Фаол иштирокчилар совғалар билан тақдирланди.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

## ТОМОШАДА ЎҚУВЧИЛАР

**Паркент туманидаги 49-умумтаълим мактабида Янги йил байрами арафасида қўғирчоқ театри ташкил этилди.**

Юқори синф ўқувчилари актёрлик қилувчи ҳаваскорлик театрининг илк "мавсуми" "Уртўқмоқ", "Бўғирсоқ", "Олтин тарвуз" каби ўзбек халқ эртаклари асосида тайёрланган томошалар билан очилди.

Ҳозирча томошабинлар – фақат бошланғич синф ўқувчилари. Келаётган йилда ҳаваскор актёрлар "катта саҳна"га ҳам чиқишмоқчи.

**Саид АСҚАРОВ.**

# «ЎЗМЕТКОМБИНАТ»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

бутун Ўзбекистон халқини
кириб келаётган
**Янги йил билан**
самимий муборакбод этади.
Юртимиз равнақи йўлида турли
соҳаларда меҳнат қилаётган
юртдошларимизга
тинчлик-осойишталик,
мустаҳкам соғлик,
аъло кайфият,
2011 йил ҳаммамизга
омадли келишини тилайди.

# ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ

тармоқ ходимлари ва
ҳамюртларимизни яқинлашаётган
**2011 йил**
билан табриклайди.
Хонадонингизга
тинчлик-осойишталик,
тўкин-сочинлик,
бахт-саодат тилайди.
Янги йилда юксак
зафарлар, ижодкорлик,
омад, соғлик-саломатлик
йўлдошингиз бўлсин!

# Тошкент вилояти ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти

ж а м о а с и

Ватандошларимизни
Янги – 2011 йил билан
самимий қутлайди.

Янги йилда жонажон
юртимизнинг
ҳар бир хонадонидан тинчлик,
фаровонлик, бахт-саодат,
қут-барака аримасин.
Байрамингиз муборак бўлсин,
азиз юртдошлар!

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНАЁТГАН БАРЧА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Шу йилнинг декабрь ойидан бошлаб "Тошкент ЭТ" ОАЖ томонидан шартномалар тузиш кампанияси бошланди.**

**Шу боис, Тошкент вилояти электр энергиясидан фойдаланаётган барча истеъмолчилар 2011 йил электр энергияси истеъмоли шартномасини тузишлари зарур.**

**2011 йилга шартнома тузмаган истеъмолчиларга электр энергияси етказиб берилиши тўхтатилади.**

**Шу билан бирга, электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ, электр энергияси таъминоти корхонаси узиб қўйиш оқибатлари учун жавоб бермайди.**

**"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан ФИБ Шайхонтоҳур туманлараро судининг 08.09.2010 й., №1-4557/10 ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти Чорбоғ қўрғони, Дўстлик кўчасида жойлашган, майдони 310 кв.м., 2 қаватли қаҳвахона ва дўкон биноси (жамланма ҳолатда) қўйилмоқда. Бошланғич бахоси – 44 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2011 йил 27 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Манзилимиз: Тошкент ш., С. Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Лицензия: DB 001 №000004.

---

Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "RESTORED BEAUTY" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 256 075 349 сўмдан 177 000 000 сўмга камайганини маълум қилади.

Тел.: 306-70-00.

---

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 2008 йил 17 апрелда № 0105506 реестр рақам билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Рискиев Козимбек Дильшодович номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 2009 йил 06 мартда № 0106821 реестр рақам билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Юнусов Акбар Сакиевич номига берилган гувоҳнома (патент) ҳамда думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

ЧП "TOSHXONXOJINISA", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского района г. Ташкента № 003239-11 от 30.08.2007г. (ИНН 300553712), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение учредителей № 14 от 27.12.2010г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 430-55-55.

---

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган "HOJIAKBAR BARAKA SAVDO" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "HOJIAKBAR BARAKA SAVDO" масъулияти чекланган жамиятига ўзгариши муносабати билан даъволар 931-62-72 телефони орқали қабул қилинади.

---

Согласно принятому решению общего собрания учредителей ООО "SAMARKAND LEASING" от 26.12.2010г. уставной фонд общества уменьшается с 2.900.000.000 сумов до 2.600.000.000 сум.

Претензии кредиторов принимаются в течение 30 дней с даты опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Хамзинский район, 2-массив Авиасозлар, д. 61-А. Тел.: 294-92-37.

---

Утерянную чековую книжку, выданную ЧП "Тихоновой Ю. Ю." за № 1112801-1112825 ф-ом "Ипотекабанк" Сергелийского района г. Ташкента,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

---

Утерянный гувохнома (патент) за реестровым № 0301444 от 23 июня 2006 года, выданный хокимиятом Мирабадского района на частного предпринимателя Веснинской Марины Анатольевны,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

---

Утерянный план на квартиру, расположенный по адресу: г. Ташкент, Хамзинский район, массив Панельный, ул. Зебо Шамсутдинова, д. 44 кв. 4/5, выданный БТИ Хамзинского района г. Ташкента на имя Ахрорходжаева Собираходжи,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

---

Утерянный план квартиры, ордер по адресу: Юнусабадский район, ул. Шахристанская, д. 87, кв. 51 на имя Гаранина Василия Яковлевича,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

---

"Тошкент шаҳар Ер тузиш кўчмас мулк кадастр хизмати" давлат унитар корхонаси томонидан 2008 йил 26 декабрда "MEGASTEELIMPEXTRADE" МЧЖга берилган 3804-сонли форма 18-маълумотнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2007 йил 30 мартда № 001880-05 реестр рақам билан рўйхатга олинган "SHOXJAMIL SERVIS" (ИНН 300378938) МЧЖга тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

"AGRO GO`SHT SUT CHORVA" фермер хўжалигининг 2005 йил 22 ноябрда № 1268 реестр тартиб рақамли юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

# ЎЗБЕК ГИМНАСТИКАСИНИНГ БЎЛАЖАК ЮЛДУЗЛАРИ

**Бекободдаги "Ёшлик" спорт мажмуасида 1996-2004 йилларда туғилган қизлар ўртасида вилоят ҳокими совррини учун бадиий гимнастика турнири бўлиб ўтди.**

**Бу замонавий спорт мажмуасида бадиий гимнастика билан юксак даражада шуғулланиш учун мукаммал жиҳозланган махсус зал бор. У турли даражадаги мусобақаларни ўтказишга ҳар жиҳатдан мослашган.**



Ташкилотчилар Ўзбекистон Гимнастика федерацияси вилоят бўлими, вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, Бекобод шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Ўзметкомбинат» очиқ акциядорлик жамияти турнир катта ва ёркин спорт байрамига айланишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрди.

Мусобақалар гимнастикачиларнинг тантанали саф тортишлари, турнир ҳакамлар ҳайъатининг қизларга оқ йўл тилаб айтган дил сўзлари билан бошланди. Биринчи бўлиб Бекобод шаҳрининг болалар рақс жамоаси гимнастика гиламига чиқди. Кўп сонли томошабинлар болажонлар маромига етказиб ижро этган таниш қўшиқни биргаликда куйладилар. Сўнг улар ўрнини эгаллаган гимнастикачи қизларнинг кўргазмали чиқишлари турнирга ҳақиқий байрам тусини ҳадя этди. Улар мураббийлари бошчилигида тадбир учун махсус тайёрлаган шоу-номерларини ўзига хос ва мос гўзал кийимларда намойиш этишиб, томошабинларни лол қолдиришди. Гимнастика гиламида парвоз этган чиройли, ранг-баранг тусдаги капалак-қизчалар, болаларнинг севимли актёри Чарли Чаплин, турли мультфильм қаҳрамонлари эртакларнинг сеҳрли оламига етаклади.



Байрам тусини олган мусобақани энг ёш иштирокчи – жажжи қизлар бошлаб беришди. Қўлларида лента, тўқмоқча, ҳалқа, тўп ва сакроғич тутган қизлар кетма-кет гиламга чиқиб, бор маҳоратларини кўз-кўз қилишди. Томошабинлар уларнинг ҳар бир нафис ҳаракатларини ҳайрат ва завқ билан кузатиб, баҳра олишди.




– Бундай турнирлар гимнастикачиларимизнинг кучли ва бўш жиҳатларини, мураббийлар фаолиятининг ютуқ ва камчиликларини аниқлаб олиш имконини беради, – деди Ўзбекистон Гимнастика федерацияси вилоят бўлими раиси Нафиса Турғунова. – Қизларимизни эса янада диққат ва кўтаринки руҳ билан шуғулланишга рағбатлантиради. Зеро, ёш қизчаларимизда спортнинг бу энг нафис ва гўзал турига қизиқиш жуда катта. Бизнинг муҳим вазифамиз эса, шу интилишни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, машғулотлар учун қулай шароит яратиш, шунингдек, иқтидорлиларни кашф этиш ва улар маҳоратини такомиллаштиришга қодир мутахассисларни тайёрлашдан иборат. Бу саъй-ҳаракатларнинг самараси ҳозирданоқ яққол кўзга ташланмоқда. Бизнинг гимнастикачиларимиз халқаро ва республика мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни забт этмоқдалар.

Вилоят ҳокими соврини учун юксак савияда ўтган нафис гимнастика байрамининг сўнгги мусиқа садолари янграб, ҳакамлар ҳайъати ёш қизларимиз тўплаган балларини ҳисоб-китоб қилдилар. Ёш тоифалари бўйича Зиёда Абдуллаева, Фотима Давлатова (иккаласи Чирчиқ шаҳридан) ва Зилола Жўраева (Бекобод шаҳри) турнир ғолиби бўлишиб, олтин медалларни қўлга киритишди.

Ғолиб ва барча иштирокчилар мукофот ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

СУРАТЛАРДА: мусобақа қизиқарли ўтди.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

ОГОҲЛИК

# ЁНҒИН ЧИҚАРУВЧИ «ЎЙИНЧОҚЛАР»



**Янги йил байрами яқинлашиши билан турли қарсилдоқлардан фойдаланиш авж олишига гувоҳ бўламиз. Шу боис, вилоят ИИБ ходимлари воҳа ҳудудидаги барча кўнгилочар масканлар, тўй ва маросимларда пиротехника воситаларидан фойдаланишнинг олдини олиш юзасидан корхона, ташкилот, аҳоли кўп тўпланадиган жойларда, маҳалла гузарларида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.**

Лекин шунга қарамай, ҳамон айрим фуқароларнинг мамлакатимизга пиротехника воситаларини ноқонуний олиб кириш, сотиш, тарқатиш билан шуғулланаётгани ачинарлидир. Жойларда ўтказилаётган тадбирлар натижасида жами 14 та шундай ҳолат аниқланди.

Яқинда бозор нархи 382 минг 750 сўм бўлган 4478 дона пиротехника воситаси олиб қўйилиб, тўпланган ҳужжатлар чора кўриш учун судга юборилди. Шу йил 18 декабрь куни Оҳангарон туманидаги "Чинор" йўл-патруль хизмати масканида Наманганддан келаётган "Нексия" тўхтатилиб, текширилганда, унда 40 та қути, жами 4000 дона Хитойда ишлаб чиқарилган пиротехника маҳсулотлари борлиги аниқланди. Уларни Қўқон шаҳри Шалдирамоқ кўчасида яшовчи фуқаро Рауфжон Турсунбоев Тошкентга олиб келаётган экан.

6 декабрь куни Чирчиқ шаҳар 3-кичик туманда яшовчи Эдем Мамбетов шаҳар марказий деҳқон бозорида пиротехника воситасини қарсиллатаётганлиги аниқланиб, ушланди ва 60 дона пиротехника маҳсулоти олиб қўйилди.

Пискент тумани "Митан" маҳалласида яшовчи Носир Иброҳимов уйи олдида 60 дона пиротехника воситасини қарсиллатаётгани ҳақида хабар олинди. Суриштирув натижасида маълум бўлдики, у пиротехника воситасини Қўйлиқ бозоридан сотиб олган экан.

Шунингдек, Янгийўл шаҳрида ўтказилган рейд давомида шаҳар деҳқон бозори олдидан чинозлик Ҳусниддин Жалолов бир қути пиротехника воситасини олиб кетаётганида шаҳар ИИБ ходимлари томонидан ушланиб, ёнғин чиқарувчи модда далилий ашё сифатида олинди.

Янгийўл туманида ўтказилган "Тозалаш" тадбири давомида Ниёзбош қишлоғида яшовчи Сирож Собиров уйи олдида 83 дона "МАГМА" пиротехника воситасини қарсиллатаётганлиги аниқланиб, ушланди. Ушбу ҳолатлар бўйича тўпланган ҳужжатлар туман судларига юборилди.

Агар шунча пиротехника воситалари олиб қўйилмаганда, қанча хонадонларга ташвиш келтириши, фарзандларимиз ногирон бўлиб қолишлари мумкин эди. Пиротехника воситалари муомалага киришининг олдини олиш биргина ички ишлар идоралари ходимларининг иши бўлмай, балки кенг жамоатчилик ҳам бу йўлда бирга курашмоғи керак.

**Шерали АНВАРОВ, вилоят ИИБ матбуот бюроси катта инспектори.**

---

Учтепа тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 20.04.2010 йилда гувоҳнома рақами 01-06766 билан рўйхатга олинган (ИНН 492409389) якка тартибдаги тадбиркор Одилов Адҳам Хатамжон ўғлига тегишли бўлган бир дона бурчак тамға йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

ЯНГИ ЙИЛ ҲАНГОМАСИ

# СОДИҚЖОННИНГ "ҚАЛЛИҒИ"



Янги йил арафасида Маъмуржон хотинини етаклаб Тошкентдаги дўсти Содиқжонникига кириб келди.

Содиқжон билан Маъмуржон институтда беш йил бирга ўқидилар. Ётоқхонада ҳам бир бўлмада туришди. Аудиторияда ялакат мағиздек бир-биридан ажралишмас, билмаганлар уларни эгиз ака-ука деб ўйлашарди.

Маъмуржон қўқонлик, Содиқжон Шаҳрисабзнинг Ҳазора кентидан. Улар уч йил бурун институтни тугатдилар. Маъмуржон Қўқонга кетди, Содиқжон Тошкентда ишлаб қолди. Маъмуржон икки йил бурун уйланди. Содиқжон тўйига борди, уч кун дўстининг ёнида куёвжўра бўлиб турди. Содиқжон бу йил ёзда уйланганда Маъмуржонлар чет эл саёҳатига кетишган экан, келишолмади. Мана энди баланд уйнинг эшиги олдида қўнғироқ тугмачасини босиб туришибди.

– Бу уйда одам-подам борми ўзи? – деди Маъмуржон ҳазил аралаш. – Қўқондан келувдик, икки кунга жой топилармикан, деб...

Ичкаридан Содиқжоннинг товуши эшитилди:

– Эшик очиқ, киравер, қитмир. Сенга кўзим учиб турувди.

Эр-хотин сувхалталарини кўтариб ичкари ўтдилар. Содиқжон кўринмасди.

– Ҳўв қаттасан, куёв тўра?

– Ман баттаман, – деди Содиқжон атайин қўқон шевасида, – ваннада.

Келин-куёв ваннахонага мўралашди. Содиқжон белига сочиқ боғлаб олиб, ҳафсала билан кир юварди. Маъмуржон кулди.

– Хотин олсанг ҳам эски ҳунарингни ташламабсан, дўстим, – у Сарвинозга ўгирилди, – бизнинг Содиқжон моҳир ювғувчилардан. Институтда ҳам болаларнинг кўйлагини ювиб бериб, пул ишларди.

– Йигитнинг пошшоси мана шунақа бўлади! – деди Сарвиноз. – Ўрганинг, хўжайин!

– Биз хотиннинг пошшосига уйланганмиз, – деди Маъмуржон, – бир уйга битта пошшо бўлса етади.

– Бўпти, ҳей, қитмир, ошхонага кириб, чой қўйиб туринглар. Иккитагина кирим қолди, чаяману чиқаман.

Бироздан кейин Содиқжон ювиниб, кийиниб келди. Дўсти билан қучоқлашиб кўришди. Маъмуржон сўради:

– Сурайё кўринмайдими?

– Ҳа, дугонам қани? Яхшилаб танишмоқчийдим. Ё у кишини бозорга юбориб, ўзингиз кир ювишга тушдингизми?

Содиқжон уҳ тортди.

– Пўм чиққанмиз. Уч кун бўлди, онасиникида.

– Оббо-о! Сизларни нима жин урди? Ҳали бир-бирингизнинг дийдорингизга тўйдиган вақт бўлмади-ку?

– Қизғончиқ бўлиб қолди. Йўқ ердан ғалва чиқаради. Ишдан келсам елкамни искаб кўради. Телевизордаги ўйинчи қизларга қарасам ҳам жанжал қилади. "Намунча тикиласиз, эски танишингизми?" дейди. Икки бухгалтер қизимиз бор. Ҳалима, Салима. Хотиннинг кўнглига келмасин, деб уларни Ҳалим, Салим деб ёзиб қўйганман. Тунов куни идорадаги қизлар келинойимизга совға деб яхши атир беришувди. Портфелда қолиб кетибди. Буни қайси жазманингизга олгансиз, деб хархаша қилди. Буни сизга беришди десам, сира ишонмайди-да. Охири мана сенга, деб кўчага отиб юбордим. Атир ҳам кетди, ўзлари ҳам. Ана шунақа гаплар-да, ҳе!

– Телефон қилмайдими?

– Кўпроқ кечаси телефон қилади. Лекин гапирмайди. Гўшакни биронта аёл кўтарармикан, деб пойласа керак-да?

Сарвиноз тап эткизиб столни урди:

– Дугонамни ўзим обкеламан. Бир тавбасига таянтирайки, бундан кейин Ҳалимадан ҳам, Салимадан ҳам рашк қилмайдиган бўлсин. Фақат, илтимос, Содиқжон ака, телефон жиринглаcа, гўшакни олманг, ўзим оламан. Майлими?

– Майли-ю, лекин қаттиқ гапирманг-да, Сарвиноз. Тағин онасиникида бутунлай қолиб кетмасин.

– Қўрқманг, қаттиқ гапирмайман. Ипакдай мулойим бўламан.

Меҳмонлар чой ичиб гурунглашиб ўтирдилар. Бир замон телефон чўзиб жиринглади. Сарвиноз "жим" дегандек, бармоғини лабига босдию гўшакни кўтарди. Икки нотаниш дугона ўртасида мана бундай айтишув бўлиб ўтди.

– Алло! Эшитаман. Қулоғим сизда.

– Алё! Бу Содиқжон аканинг уйларими?

– Ҳа.

– Сиз кимсиз? У ерда нима қилиб юрибсиз?

– Менми? Мен Содиқжон аканинг бўлажак қаллиғиман. Ўзлари ким бўладилар?

– Қанақа қаллиқ?! Мен у кишининг законний хотиниман! Сурайёман!

– Ёлғон гапирманг, эгачи. Содиқжон акам яқинда хотиндан ажрашдим, келиб, уй ишларига қарашиб туринг, девдилар.

– Менинг қўядиган эрим йўқ! Қани чақиринг-чи, ўша "қаллиғингиз"ни, бир гаплашиб қўйй!

– Узр, чақиролмайман, у киши ваннахонадалар, чўмилаяптилар.

– Унда ҳозир ўзим етиб бораман! Куппа-кундуз куни чўмилишни кўрсатиб қўяман унга!

– Келиб овора бўлманг. Барибир эшикни очмайман.

– Кўрамиз!..

– Қовун туширдингиз, Сарвиноз, – деди Содиқжон, – ҳозир келади. Кейин концертнинг каттаси уйда бўлади.

– Концерт бўлмайди, – деди Сарвиноз, – аксинча сиздан кечирим сўрайди. Сурайё келганда икковингиз нариги хонага чиқиб бекиниб турсангизлар бўлди.

Ярим соатга қолмай, Сурайё етиб келди. Унгача, Сарвиноз Сурайёнинг уй кийимларини кийиб, даҳанаки жангга тайёр бўлиб турди.

Эшик қўнғироғи устма-уст жаранглади. Сарвиноз остонага бориб, товуш берди:

– Ким у?

– Мен Сурайёман! Очинг эшикни!

Сарвиноз мулойим жавоб қилди:

– Очмайман дедим-ку, ҳали. Энди сиз бу уйга бегонасиз.

Сурайё бақирди:

– Ҳўв, қанақа одамсиз?! Мен ўз уйимга кирмоқчиман! Очинг! Ҳозир қўшниларни чақираман!

– Чақираверинг. Барибир очмайман. Гапингиз бўлса айтиб кетаверинг.

– Очмайсизми?

– Йўқ.

Сурайё қўшқўллаб эшикни ура бошлади:

– Войдо-од! Қанақа беҳаё хотин бу! Ўз уйимга киргани қўймаяпти!

Сарвиноз, ростдан ҳам қўни-қўшни эшитса, ноқулай бўлмасин, деб эшикни қия очди. Сурайё терлаб кетган, рангида ранг йўқ, лаблари асабий титрарди.

– Қочинг нари! – деди эшик дастасини тортиб. Бироқ Сарвиноз уни ичкарига қўймади. Сурайё Сарвинознинг эгнига разм солди. – Уялмай-нетмай менинг халатимни кийиб олибсиз. Ечиб қўйинг!

– Ҳо-о! – деди Сарвиноз лабини буриб. – Ҳали мана бу шиппак ҳам меники дерсиз, хоним?

– Иккаласи меники! Ҳозироқ ечинг!

– Узр, буларни тунов куни Содиқжон акам ипподромдан олиб берганлар. Чолни кўриб бобом дер экансиз.

Сурайё ортиқ чидамади. Эшикни юлқиб тортди-ю, "Содиқжон ака-а!" деб йиғлаганча, даҳлизга кириб олди. Содиқжон хотинининг бақириғини эшитиб, ичкари хонадан чиқди. Хотинига икки-уч қадам етмай, тўхтади. Сурайё учиб бориб, эрининг бўйнига осилди, ҳўнграб йиғлаб юборди...

Яна ярим соатдан кейин икки келин, икки куёв дастурхон атрофида чақчақлашиб ўтиришарди. Сурайё билан Сарвиноз бир-биридан узр сўраб, қайта-қайта ўпишарди. Ниҳоят Маъмуржон ирғиб турди.

– Спектакль тугади. Энди талабларга биноан яраш ошини тайёрлашга киришамиз. Қани, Содиқжон, сен гўшт тўғра, мен сабзи-пиёзга ўтираман. Бугун эркаклар хизматда, хотинлар иззатда.

**Саъдулла СИЁЕВ.**

БАЙРАМ ОЛДИ ҲАЗИЛЛАРИ






– Ҳали сенларга кўрсатиб қўяман, байрамни нишонлаш қанақа бўлишини...




---

АТИБ "Ипотекабанк" Меҳнат филиалига тегишли қатъий ҳисобда турувчи 0402005-шакл бланк 1309918-925 сонли 8 дона, 1389500 сонли 1 дона, 1291738 сонли 1 дона ва 1688674 сонли 1 дона бланклар Миробод ТЭТ назоратчиси Витчинкин А. томонидан, 1389265 сонли 1 дона бланклар Миробод ТЭТ назоратчиси Хамраев Д. томонидан ҳамда 1816528 сонли 1 дона бланклар Миробод ТЭТ назоратчиси Файзуллаев Ш. томонидан йўқотилгани сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юқоридаги бланклар бўйича салбий ҳолатлар аниқланса, маълумот учун телефон: 291-59-45.

---

АТИБ "Ипотекабанк" Меҳнат филиалига тегишли 1831767-1831775 (9 дона) Чилонзор ТЭТ назоратчиси Ахмедов У. томонидан йўқотилганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юқоридаги бланклар бўйича салбий ҳолатлар аниқланса, маълумот учун телефон: 277-02-56, 277-24-52.

---

Собир Раҳимов туман ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "ERKIN HAYOT BOLALARI" масъулияти чекланган жамиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "ERKIN HAYOT BOLALARI" нодавлат таълим муассасасига ўзгаришини маълум қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Хуршида ТУРСУНБОЕВА
Саҳифаловчи Умид УБАЙДУЛЛАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1140. Адади 5282. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 1234